КАСБИ ТУМАН ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

Касби туманида озиқ-овқат ва истеъмол товарлари нархларини барқарорлигини таъминлаш мақсадида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этиш тўғрисида

“24” “март” 2020 йил HQ-377/03-сонли Муғлон шаҳарчаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 253-сон қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш Қоидаларига мувофиқ, туман ҳудудида дам олиш кунлари ярмаркасини ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Республикада озиқ-овқат ва истеъмол товарлари нархларини барқарорлигини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг кўрсатмаларини инобатга олиб, “Касби” деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ ҳудудида ҳар шанба ва якшанба кунлари соат 07-00 дан 17-00 гача озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилиши белгилансин.

2. Ярмаркаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат берилиши;

ярмаркалар ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилиши;

ярмаркалар учун ажратилган савдо ўринларининг тоза ва тартибли сақланишига сотувчилар масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Ярмаркаларда маҳсулотларни сотиш қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин:

товарга оид ҳужжатлар (тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган сотилаётган маҳсулот жисмоний шахс томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи, белгиланган шаклдаги ҳужжат (маълумотнома));

сотувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар.

4. “Касби” деҳқон (озиқ-овқат) бозори МЧЖ маъмурияти:

ярмаркалар ташкил этиш учун бозорнинг аҳоли учун қулай бўлган қисмидан, бозорнинг умумий савдо майдонининг 5 фоизидан кам бўлмаган махсус жойлар ажратилишини;

ярмарка учун ажратилган ҳудуддан савдо ўринларининг бепул берилишини;

ярмарка ўтказилишини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритишни таъминласин ва бозорнинг кириш жойларига эълонлар жойлаштиришни ташкил этилишини инобатга олсин.

5. Туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж.Арслонов) ҳар якшанба кунлари ярмарка ташкил этиш учун жой ажратилганлигини, ўтказилаётганлигини ҳамда ярмарка ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилишини ҳамда ярмаркада товарга оид ҳужжатлар мавжудлигини доимий назорат қилсин.

6.Қашқадарё вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат бошқармаси Касби туман филиали (А.Абдуллаев) ярмаркада сотилаётган маҳсулотларнинг турларига қараб жойлаштириш ва улар сифатининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига тўғри келишини доимий назоратга олсин.

7. Туман ички ишлар бўлими (Ф.Ибрагимов) бозор ҳудудида ярмарка ўтказиладиган кунда жамоат тартибини сақлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширилишини таъминласин.

8. Мазкур қарор “Садоқат” газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг kasbi t.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Жўраев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Т.Мейлиев**